ДЭУ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

ФАРҒОНА. Охунбобоев туманидаги М. Умаров номли жамоа хўжалиги ҳудудида "ДЭУ текстиль" корпорацияси улкан тўқимачилик корхонасининг қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. 135 гектар майдонда барпо этиладиган бу комбинатда иккитадан йигирув ва тўқув, бўяш цехи вужудга келтирилди. Мингдан ортиқ киши меҳнат қилиб, йилига 20 миллион метр жаҳон андозасига мос матолар тўқиш мўлжалланган.

Алишер ИБОДИНОВ.

ҚОҒОЗ ЧИҚИТТА ЧИҚМАЙДИ

ҚАШҚАДАРЁ. Нима қиммат — қоғоз! Китоб туманидаги "Ғалаба"газетаси жамоси ташаббус билан чиқди. Таҳририятга чиқиндига чиқарилган қоғозларни топширган мактаблар, ўқув масканларига янги кўргазмали қуроллар тайёрлаб берилмоқда. Бу иш таҳририятнинг компьютер марказида амалга оширилаяпти. Шартнома асосида топширилган чиқинди қоғоз (макулатура) эвазига синфхоналарни жиҳозлаш учун сифатли қуроллар, плакатлар тайёрланмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

МЎЙНОҚ МЎЙНАЛАРИ

НУКУС. Мўйна етиштиришга ихтисослашган хўжаликда хусусийлаштириш самарали натижалар бермоқда. "Амударё" хўжалигида ҳозир норка, нутрия, ондатра каби мўйналар етиштирилмоқда.

Муҳими шу ернинг ўзида қайта ишланиб, цехларда эркаклар ва аёллар учун бош кийимлар тайёрланмоқда. Савдога чиқарилган дастлабки маҳсулотларга талаб катталиги аён бўлди. Даромад ҳисобидан Мўйноқ марказида "Ерали" бозорининг фойдаланишга топширилиши эса кўпчиликни мамнун этди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ХУМЛАРДА ДОН САҚЛАНГАН

ТОШКЕНТ. Ҳар қандай археологик қазилмалар борки, албатта сопол буюмлардан намуналар топилади. Уларнинг аксарияти катта-кичик хумлардан намуналардир. Ўтмишда боболаримиз хумлардан самарали фойдаланишгани, ёғмой, сув ва донларни сақлашгани маълум. Урганишларга қараганда, хумларнинг энг каттасини тошкентлик усталар ясашган. Маълум бўлишича, уларда ҳатто ярим тоннагача дон сақланган. Бундай хумларнинг намуналари турли музейларда сақланмоқда.

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

ЖАРРОҲНИ ЖАҲОН ТАН ОЛДИ

ХОРАЗМ. Вилоятнинг 1-сон клиник касалхонаси жарроҳлик бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Бахтиёр Бобожонов эхинококкоз касталигини лазер нури ёрдамида даволаш соҳасида улкан илмий тадқиқотларни амалга оширмоқда. Бу борадаги учта муҳим кашфиёти тан олинган. Россия Фанлар академиясининг лазер академияси юртдошимизнинг бу соҳадаги изланишларига юқори баҳо бериб, яқинда Б. Бобожоновни академиянинг ҳақиқий аъзоси этиб сайлади.

Рўзимбой ҲАСАН.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 6 ноябрь, пайшанба № 130 (22.213).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» асари араб тилида Ливандаги «Шарикат ал-Матбуот лит-тавзи ван-нашр» нашриётида кўп нусхада чоп этилди. Шунингдек, Британиядаги «Керзон пресс ЛТД» нашриёти ҳам бу асарни инглиз тилида босмадан чиқарди. Асар дунё жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

* * *

Кейинги икки йилда Польша, Туркия ва Туркманистонда ўтказилган фанлар ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича халқаро

ВАТАН ХАРИТАСИ

олимпиадаларда муваффақиятли қатнашган ўзбекистонлик ўқувчи ва талабалардан 7 нафари олтин, 14 нафари кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган эди. Куни кеча республика таълим марказида ана шу юлибларга мамлакатимиз раҳбарининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йилнинг 29 октябрдаги «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бажарилиши юзасидан тузилган комиссиянинг ташкилий йиғилишида кўпгина қишлоқ хўжалик корхоналари белгиланган вазифаларни мунтазам равишда бажармай келаётганлиги, катта миқдорда дебиторлик қарзлари ва тўловлари зиммасида бўлган корхоналар мавжудлиги, яъни банкротлик ҳолатига тушиб қолганлиги таъкидланди.

Йиғилиш қарори билан «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш» ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди.

***

Тошкент жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида жойлашган «Макроиқтисодий таҳлил ва кадрлар тайёрлаш лойиҳаси» ташкилотида иқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар марказини ташкил этиш тўғрисидаги лойиҳа ҳужжати имзоланди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚАҲРАМОНЛАРИ

(Тўртинчи манзара)

САИТОВА Онесия Саитовна — Қорақалпоғистон Республикаси 1-туғуруқхонасининг гинекология бўлими мудири.

Исмоил МАТЧОНОВ олган сурат.

«Пахта — 97»

БУХОРОДА БИРИНЧИ

Вобкент тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажардилар. Қабул пунктларига 37410 тонна сифатли хом ашё топширилди.

— 11751 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил олган пахтакорларимиз, — дейди туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Муҳиддин Эсонов, — ялпи ҳосил салмоғини 40 минг тоннага етказадилар. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзгаришлар шабадаси

ЎЗИМИЗНИКИГА НИМА ЕТСИН

НАВОИЙ вилояти. Навбаҳор туманидаги «Сармиш» жамоа хўжалигида чармгарлик кичик корхонаси ишга туширилди. Корхонада хўжаликнинг ўзида тайёрланаётган қўй терисини ошлаш ва қайта ишлаш билан хом ашё тарзида фойдаланилмоқда. Жамоа шу йилнинг ўзида 1 миллион сўмлик болалар ва эркаклар пойабзаллари, аёллар нимчалари, махси ва чарм курткалар тайёрлайди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАМ ОЛГАНИ КИТОБГА КЕЛИНГ!

ҚАШҚАДАРЁ вилояти. Китоб шаҳри марказидаги истироҳат боғи қайта таъмирланди ва нафосат чаманига айланди. Кўп йиллик дарахтларга озор етказмай, боғ ҳовлиси ободонлаштирилди. Миллий чойхона таровати очилди, шу жойда кичик фаввора қурилди. Тумандаги 226-қурилиш ташкилоти, техника таъминоти ҳиссадорлик жамияти, газлаштириш идораси ва бошқа ҳашарчилар кучи билан от ўйинлари, арғимчоқларни тўла таъмирдан чиқариб, болаларга ҳадя этишди. Алоҳида сузиш ҳавзаси ҳам барпо этилди. Туман ҳокими Ўктам Хидировнинг айтишича, боғ мумтоз адабиётимизнинг забардаст вакилларидан бири — китоблик Хиромий номи билан аталади. Сўлимдан-сўлим Китобга, албатта, келинг!

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ Кеча Россия милицияси хизматнинг кучайтирилган тартибига ўтди. Бу тартиб 11 ноябргача давом этади. Россия Ички ишлар вазирлиги жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси бошлиғи, милиция генерал лейтенанти Иван Голебев журналистларга шундай деди. Унинг сўзларига қараганда, 400 мингдан зиёд милиция ходимлари ва Ички ишлар вазирлиги ҳарбийлари 7-8 ноябрь куни бутун Россия ҳудуди бўйлаб тартибни сақлайдилар. Улардан 10 мингги Москвага тўғри келади.

* * *

☑ Кеча Венгрия Президенти Арпад Генцнинг Алматига расмий ташрифи якунланди. Ташриф давомида Қозоғистон газини Венгрияга етказиб бериш масаласи муҳокама қилинди.

* * *

☑ Афғонистоннинг Қандаҳор ва Жалолобод вилоятларига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик моддалар устидан назорат олиб бориш режасини амалга ошириш учун иккита делегацияси жўнаб кетди. Улар «Толибон» ҳаракати раҳбарияти, шунингдек уларнинг раҳбари Муҳаммад Умар билан наркотик моддаларнинг тарқалиши муаммоларини муҳокама қилади. Делегация вакилларидан бирининг айтишига кўра фақат, 1996 йилнинг ўзида БМТ Жалолобод ҳудудидаги кўкнори экилган майдонларни йўқ қилиш учун 1,8 миллион доллар сарф қилган. Бироқ унинг айтишига қараганда бу ҳаракатлар зое кетган. Айни пайтда Жалолободнинг ўзида 15 дан зиёд героин ишлаб чиқарадиган яширин лаборатория ишлаб турибди. Худди шу ердан бутун дунёга наркотик моддалар тарқатилмоқда.

* * *

☑ «Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра, Афғонистоннинг собиқ подшоси ватанига қайтиб, ўз халқига ёрдам беришга шайланганини билдирди. 75 ёшли Зоҳир Шоҳ 1973 йили юз берган давлат тўнтаришидан сўнг Афғонистонни тарк этиб, Италияда яшамоқда. Ўшандан бери ўзини сиёсатдан четга олиб юрарди. Унинг баёноти жанговар мужоҳид қўмондонларининг Истамбулда бўлиб ўтган кенгаши қатнашчиларининг чақирғига жавобан ўзига хос жавобдир. Шу боис у Афғонистонга қайтиб, мамлакатдаги тинчлик жараёнига раҳбарлик қилмоқчи.

* * *

☑ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котибининг махсус вакили Дитрих Меррем Тожикистонда кенг йўналишдаги ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгандан сўнг ўтган 11 ой ичида мамлакатда иқтисодий ўсиш юз берганлигини қайд этди. Мерремнинг айтишига кўра, шу йилнинг 24-25 ноябрь кунлари Вена шаҳрида Тожикистондаги тинчлик жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро конференция ўтказилади. Ушбу конференцияда мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги асосий муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро ёрдамни кучайтириш масалалари муҳокама қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ:

кеча, бугун, эртага

фикр, мулоҳаза, мунозара, таклиф ва истаклар

2-бет

«Обуна—98»

ТЕКИН ОБУНА ҚИЛИНДИЛАР

ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгаши 21 нафар фахрийларни «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари, «Мулоқот» журналига текин обуна қилди.

ЖОНЛИ МУЛОҚОТ

Ўз сафларида қарийб 3 минг аъзони бирлаштирган ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгашида партия фахрийлари, ёшлар вакиллари тўпландилар. Мулоқотда ЎзХДП Бухоро шаҳар кенгашининг биринчи котиби Раҳим Ҳайдарзода партиянинг шу кунги фаолияти, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бошланғич ташкилотлар олиб бораётган ишлар, унда фахрийларнинг тутган ўрни, ёшларнинг ташаббускорлиги ҳақида гапирди.

Узоқ йил партия аъзоси бўлган фахрийлар, ишлаб чиқариш илғорларига ЎзХДП вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Баҳрон ДАВРОНОВ.

ЖИЗЗАХ: САБАБЛАР ВА САБОҚЛАР

Республика Президентининг фармойишига кўра, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси ташкил қилингани ва ушбу комиссиянинг илк йиғилиши бўлиб ўтганидан ўқувчиларимиз хабардор. Юртбошимиз юқорида таъкидланган йиғилишда Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги аҳволга, улардаги деҳқончилик соҳасида йўл қўйилаётган хато ва камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.

Хўш, ушбу вилоятлар нега танқидга учради? Нима, уларнинг ерлари, об-ҳавоси, иқлими бошқа вилоятлардагидан ёмонми? Йўқ. Унда нега бу вилоятлар кейинги йилларда қолоқлик ботқоғидан чиқа олмаяпти?

Биз юқоридаги саволларга жавоб топиш мақсадида Жиззах вилоятининг ғалла етиштириш борасидаги бу йилги кўрсаткичларини таҳлил қилиб кўришга уриндик.

Вилоят жорий йилда ҳар гектар майдонга экилган ғалладан 17,1 центнердан ҳосил кўтаришни режалаштирган эди. Ғалвир сувдан кўтарилгач, маълум бўлдики, гектарига борйўғи 8,2 центнерлик «чўққи» забт этилибди.

Тугаётган деҳқончилик йилида республика бўйича 1449 минг гектар майдонга ғалла экилди. 2 миллион 877 минг 100 тонна ҳосил кўтарилиб, ҳосилдорлик гектарига 20,8 центнерданга тўғри келди. Режа бўйича эса, бу кўрсаткич, 26,7 центнерни ташкил этиши керак эди. Демак, режа бажарилмадик.

Маълумотларга қарайдиган бўлсак, 215 минг 200 гектарга экилган уруғнинг 181 минг 400 гектаридан ҳосил олинди. Режадаги 379 минг тонна ўрнига 149 минг 300 тонна ҳосил омборларга тўкилди. Вилоят жорий йилда давлатга 214 минг 900 тонна ғалла сотиши керак эди. Амалда эса, 118 минг 500 тонна ҳосил давлатга сотилди. Демак, давлат омборларига тўкилиши керак бўлган 96 минг 400 тонна ғалла йўқ! Биз айни ҳақиқатни кўрсатиш учун юқорида Жиззах вилоятининг умумреспублика йиллик режасига қўшган салбий таъсирини қўштирноқ ичига олиб кўрсатган эдик.

Хўш, энди 215 минг 200 гектар майдонга қадалган уруғ 181 минг 400 гектар майдондан йиғиб олинганига келсак. Маълумотларга қарайдиган бўлсак, жорий йилнинг 2-3 май кунлари вилоятда катта дўл ёғган. Маълум майдонлардаги ғалла эса, кечикиб экилган. Ғалвирнинг индаллосини айтадиган бўлсак, юқоридаги баҳонаи сабабларга қўшимча бу йил вилоятда ёғингарчилик кўп бўлгани, натижада ғалла занг касалига йўлиққанлиги ҳақида маълумот олдик.

Шу жойда қизиқ бир савол туғилади. Биз ўтган ишга саловот дейишимиз мумкин. Ёки исталганча баҳона — ҳа, айнан баҳона, сабаб эмас топишимиз мумкин. Фақат бир нарсани унутмаслигимиз керак, баҳона, борингки, сабаб билан режани бажариб бўлмайди. Қолаверса, деҳқончасига танти туриб айтганда баҳонага қорин ҳам тўймайди-да.

Вилоят бўйича аҳвол бир хилмиди, деган савол ҳам айримларни ўйлантириши мумкин. Биз ҳам С. Мустановга айни шу савол билан мурожаат қилдик. Худди биз кутганимиздек бўлиб чиқди.

Мирзачўл ва Фориш туманлари вилоятда карвонбошилик қилишган. Мисол учун Мирзачўлда гектар ҳисобига ўртача 19,8 центнердан ҳосил кўтарилган бўлса, Зомин, Зарбдор, Арнасой туманларида ҳосилдорлик мирзачўлликларнинг ярим кўрсаткичига ҳам етиб бормаган. Наҳотки ҳарорат, ёғин-сочин ёки ғалла касаллиги ёнма-ён туманларда бошқабошқа бўлса?

Демак, биз юқорида кўрсатилган сабабларни баҳона деб аташга маълум маънода ҳақлимиз. Кимдир ўз вазифасини сидқидил бажармаган, кимдир лоқайдлик қилган, буйруқбозлик касалидан қутула олмагани учун юқоридан буйруқ кутиб ўтириши натижасида ғалланинг кеч экилишига йўл қўйган. Юқоридаги хато ва камчиликлар бир бўлиб, вилоятни қолоқлик ботқоғига тортаётгани-да, бор гап. Ҳақиқатдан кўз юмиш, хатоларни хаспўшлаш билан бирор натижага эришиб бўлмайди. Энг маъқули, хатони дангал тан олиш, камчиликларни тузатиш керак. Шундагина янги деҳқончилик йилида жиззахликларнинг юзи ёруғ, кўкси осмон бўлади. Биз жиззахликларнинг келгуси йилда республикамизнинг бошқа вилоятлари ғаллакорларига карвонбоши бўлишларига умид ва ишонч билдирамиз.

Ислоҳот ва масъулият

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг Жиззах вилоят бўйича ўз мухбири.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ —1976 йилда Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида таваллуд топган. У яқиндагина газетамиз жамоасига келиб қўшилди. Тезда ўзининг тиришқоқлиги билан истеъдод эгаси эканлигини кўрсатди. Ёш журналистга таҳририят катта ишонч билдирди. Абдуғаффор Омонбоев шу йилнинг 1 ноябридан бошлаб «Ўзбекистон овози» газетасининг Жиззах вилояти бўйича ўз мухбири сифатида иш бошлади. Биз А. Омонбоевга янги ишда омад, ижодий баркамоллик тилаб, қўйида унинг Жиззах ва жиззахликларга бағишланган илк мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нега шундай бўлди?

Бу саволга жавобни республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг ғаллачилик бошқармасидан қидирдик. Бошқарма бошлиғи Артуғ Қосимовдан қуйидаги маълумотларни олди. Бу «бажарилмасликда Жиззах вилоятининг ўзига хос ҳиссаси бор»лигини ҳам ўқувчиларимиз эътибордан қочирмасалар керак.

Энди айнан Жиззах вилоятида 1997 йил учун ғаллачилик борасида тузилган режа ва унинг бажарилиш ҳажмини кўздан кечирайлик.

Вилоятда бу йил 215 минг 200 гектар майдонга ғалла экилиб, ялпи ҳосил 379 минг тоннага етказилиши режалаштирилган эди. Ана шунда биз юқорида таъкидлаганимиз — ҳар гектар майдон ҳисобига 17,1 центнер ғалла етиштириш мумкин бўларди. Афсуски, бу кўрсаткич, бор-йўғи 8,2 центнерда қолиб кетганини яна бир карра таъкидлаб ўтишимизга тўғри келади.

Бундай бўлишининг бош сабаби нимада?

«Обуна—98»

«ГОЛОС»НИ ҲАМ, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ҲАМ ЎҚИЙМИЗ,

дейди «Махсус полимер-зовур буюмлари» корхонаси раҳбари Шарофиддин Йўлдошев.

Дарҳақиқат, аҳил жамоа ўз олдига қўйган мақсадларга бирин-кетин эришиб, қийинчиликларни ортда қолдирмоқда. Бу ерда ҳам маънавий, ҳам моддий эътибор биринчи даражалидир. Биз корхонада бўлганимизда, корхона раҳбари Ш. Йўлдошевнинг бир қатор нашрларга обуна бўлиш ҳақида бош ҳисобчига кўрсатма бераётганининг устидан чиқдик. Рўйхатнинг бошида эса «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» борлигини кўрдик.

Буни сезган Шарофиддин ака, биз «Голос»ни ҳам, «Ўзбекистон овози»ни ҳам ўқиймиз, деди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ: кеча, бугун, эртага

ФИКР, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА, ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАР

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Шавкат КАРИМОВга

Ҳурматли Шавкат Иброҳимович!

Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан мамлакатимиз аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасида соҳа мутасаддилари ва мутахассислари олдига аниқ вазифалар белгилаб берилган. Тиббиётимизни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, ҳар бир фуқаронинг соғлиғини таъминлашга эришиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Тиббиётда кечаётган ижобий ислоҳотларда Сиз бошлиқ вазирликнинг меҳнати оз эмас. Шу билан бирга бу борада ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган сабаблардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Таҳририят жамоаси тиббиётда кечаётган ислоҳотларнинг ижобий томонлари билан бирга унинг салбий жиҳатларини ҳам кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу билан кимнидир қоралаш ёки ёмонлаш ниятимиз йўқ. Балки ислоҳотларнинг кўнгилдагидек амалга ошишига ҳисса қўшсак деймиз. Сизга тақдим этилаётган ушбу материалларни шу мақсадда газетада чоп этиш учун тайёрладик. Уларни ўрганиб чиқиб, тегишли жавобни бизга ёзма равишда қайтаришингизни илтимос қиламиз.

Азим СУЮН,
«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири.

Таҳририятимизга келаётган кўплаб хатларда айрим жойларда тиббиёт хизмати кўнгилдагидек эмаслиги баён этилади. Кўмак истаб ўзлари таҳририятимизга келаётган кишилар орасида ҳам шу соҳадан кўнгли тўлмаётганлар оз эмас. Мурожаатларнинг асосий мазмунидан давлат касалхоналарида дори-дармон етарли эмаслиги, хусусий шифохоналарда уларнинг баҳосида меъёр йўқлиги, тиббиёт хизмати ё давлат тасарруфида ёки хусусий йўналишда бўлиши лозимлиги англашилади. Балки ҳам давлат, ҳам хусусий шифохоналар бир пайтда фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир? Биз шу каби масалаларга аниқлик киритиш учун бу борада вилоятлардаги аҳвол қандай эканлигини газета саҳифаларида ёритишни лозим топдик.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Қўқон қурилиш маҳсулотлари жамоа корхонаси 100 миллион сўмлик ҳажмдаги туманлараро болалар жарроҳлик касалхонасини жамоа маблағи ҳисобига қурмоқда. Олтиариқлик тижоратчи Тўйчи ҳожи Раҳмонов туман марказида ўз ҳисобидан поликлиника биносини қуряпти.

Бироқ бу борада ҳали муаммолар кўп. Вилоят ҳокими Н. Мўминов халқ депутатлари вилоят кенгашининг яқинда ўтган сессиясида бу соҳага шундай баҳо берди: «Вилоятда қишлоқ даволаш пунктлари қуриш ва фельдшерлик-акушерлик пунктларини қишлоқ даволаш пунктларига айлантириш ишлари қониқарсиз. Ҳозирги кунда улардан атиги биттасигина фойдаланишга топширилганлигини қандай тушуниш мумкин?

Бешариқ, Боғдод, Бувайда, Данғара, Олтиариқ, Риштон ва Тошлоқ туманларида янги қурилаётган қишлоқ даволаш пунктлари, Боғдод, Бувайда, Олтиариқ, Охунбобоев, Сўх, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманларида биттадан қишлоқ фельдшерлик-акушерлик пунктларини қишлоқ даволаш пунктларига айлантириш мўлжалланган бўлсада ҳанузгача фойдаланишга топширилгани йўқ».

Ҳоким қишлоқ жойларида даволаш воситалари қурилишининг суст бораётганлигини ҳақли равишда танқид қилди. Шу билан бирга қишлоқларда тиббий хизмат кўрсатишнинг яна бир йўналиши ҳам мавжуд. Бу тиббий врачлик фаолиятини ривожлантириш, хусусий шифохоналар тизимини вужудга келтиришдир. Хўш, бу соҳада ишлар қандай? Маълумки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 21 июлда «Якка тартибдаги врачлик фаолияти» (хусусий врачлик фаолияти) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» қарор қабул қилган эди. Бу қарор республикада хусусий врачлик фаолиятини ривожлантириш учун катта йўл очиб берди. Айниқса, шаҳардан олис қишлоқларда бундай тиббиёт муассасаларининг қурилиши халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда шубҳасиз ижобий аҳамиятга эга.

Фарғона вилоятида ҳам кўпгина шифокорлар ўз ташаббуслари билан хусусий даволаш муассасалари қуришга киришдилар. Шуни айтиш керакки, вилоятда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган юқори тоифадаги врачлар сони 163 тага етди. Улардан 130 нафарга яқини қишлоқ жойларида шундай фаолият билан шуғулланишга жазм қилганлиги айниқса қувонарлидир.

Қувалик биринчи тоифа врач Муножатхон Орипова ўз ҳисобидан қишлоқда хусусий шифохона қурди. Бу шифохона акушерлик-гинекологик хизмати кўрсатиб, қишлоқдаги камқон аёллар, шунингдек турли аёллар касалликларини даволашда фаолият кўрсатяпти. Шифохонада маслаҳатхона, муолажа хонаси бор. Кундузги стационарда эса 6 ўрин бўлиб, бу ерда ётиб даволанилади. Икки нафар ҳамшира, санитарлар беморлар хизматида. Шу ерда даволанаётган бемор Манзурахондан сўрадик:

— Нега туман шифохонасида даволанмай, пуллик бўлса-да, бу ерда ётишни афзал кўрдингиз?

— Биринчидан, шифохона қишлоқнинг ўзида. Туман марказига қатнаб овора бўлинмайди. Хизмат ҳам яхши. Чунки дори-дармонларни шу ернинг ўзида топиш мумкин.

Муножатхон Орипованинг айтишича, шифохонага кунига 10—15 нафар атрофида аёллар келиб маслаҳат олишади, даволанишади. Яқин кунларда шифохонани кенгайтириб кичик тиббий мажмуага айлантириш ниятида юрибди опа.

Шундай шифохоналарни Олтиариқ туманида А. Маматхонов, Риштонда Б. Чориев ва бошқа ўнлаб врачлар очишган. Хизмати ёмон эмас. Аҳоли хусусий шифохоналар хизматидан рози.

Бироқ масаланинг яна бир томони бор. Ўнлаб шифокорлар хусусий врачлик фаолияти кўрсатиш учун лицензия олишган бўлса-да, ҳали иш бошлашгани йўқ. Масалан, Риштон туманидаги шундай лицензия олган 16 нафар врачдан атиги 6 кишигина якка тартибда врачлик фаолияти билан шуғулланяпти, холос. Вилоят тиббиётида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Хусусий врачлик фаолиятини кенг ривож ёйдиришга нима тўғаноқ бўляпти?

Аввало, якка тартибда врачлик фаолияти билан шуғулланишга жазм этган шифокорларни хусусий шифохона учун ҳар томонлама қулай бино топиш масаласи қийнаяпти. Тўртбеш хоналик барча қулайликларга эга бинони қуриш, уни тиббий асбоб-ускуналари билан таъминлаш, қўнгилдагидек жиҳозлаш, албатта осон эмас. Биноларни ижарага олиш ҳам қимматга тушади. Масалан, вилоятдаги энг таниқли невропотолок врачлардан ҳисобланган Боймурод Чориев Риштон туманида шундай шифохона қуришга қарор қилганди. У анчагина югургандан сўнг туман қишлоқ ва сув хўжалиги идорасидан бир хонани ижарага олишга муваффақ бўлган. Врач ҳузурига келган беморлар у бир беморни муолажа қилгунча ташқарида, офтоб тиғи ёки қор-ёмғир остида турадилар. Риштон тумани марказий шифохонаси бош врачи Орифжон Ҳошимов тез орада Чориев шифохонасининг шарт-шароитлари яхшиланишини айтди. Ажаб эмас...

Бизнингча, бу муҳим масалада ҳокимликлар, корхона ва хўжаликлар раҳбарлари, ишбилармонлар хусусий фаолият бошлаган врачларга ёрдам қўлини чўзишлари даркор.

Хусусий шифохона очган врачлар билан суҳбатларда улар қишлоқ жойларда очилган шундай шифохоналарни маълум муддатга патент ёки солиқдан озод қилиш масаласини зарур деб топишаяпти.

— Шундай бўлсаки, — дея масалага аниқлик киритади қувалик М. Орипова, — ўша солиқ ёки патент учун тўланадиган маблағ ҳисобига қишлоқ хусусий шифохоналарига замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, ноёб дори-дармонлар, жиҳозлар сотиб олиш қонунлаштирилса. Тегишли идоралар давлатга тўланмаган солиқ ёки патент пулини қандай мақсадга сарфлаётганимизни назорат қилиб туришсин. Қоида бузилса, жазо олишга ҳам тайёрмиз. Бундан фақат қишлоқ аҳолиси ютади

Қишлоқ жойларда якка тартибда тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантириш давлат тиббиёт муассасалари ишини ҳам янада яхшилашга, энг муҳими халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Хўжайли туманидаги «Амударё» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидаги қишлоқ ҳудудий касалхонаси бош ҳакими Кулпаш Қулимжанова:

— Ҳудудимизда туғиш ёшидаги 1511 нафар аёлнинг деярли ҳаммаси камқонлик дардига йўлиққан, — дейди. — Улар шифохонамизнинг тўққиз нафар мутахассисининг доимий назоратида. Туғиш олдидан албатта шифохонада ётиб даволанишади.

Республикага келган инсонпарварлик ёрдами энг авало Мўйноқ тумани аҳолисига берилади. Аммо туманда шифокорлар етишмайди. Тумандаги Қорадарё ва Чеге қишлоқ ҳудудий шифохоналарида биттадан шифокор бор, холос. Туманда томоқ-бурун-қулоқ касалликлари бўйича биттаям мутахассис йўқ. Кекса шифокор нафақага чиққандан бери, қарийб бир йилдан буён бу ўрин бўш турибди. Кекса психоневролог ҳам нафақага чиқиб кетди, рентгенолог ҳам...

— Тошкент Давлат педиатрия институтининг Нукусдаги филиалини бу йил тугатиб чиқадиган мутахассислардан 11 нафарига интернатурани туманимизда ўташ учун йўлланма берилади, — дейди Мўйноқ тумани марказий шифохонаси бош ҳакими Утеули Бўстонов.

Аммо кўпчилик битирувчилар турли важ-корсон топиб, шароити оғир шимолий туманларга бормаслик ҳаракатига тушадилар. Уч йил ишлаб беришди ҳам, дейлик. Аммо Мўйноққа ўз кадрлари ҳам керак-ку! Балки, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Т. Ешонов айтганидек, Нукус Давлат университетида тиббиёт факультетини тиклаш, кейинчалик, моддий база ва ўқитувчи кадрларга эга бўлгандан сўнг, институт ташкил этиш билан кадрларга бўлган эҳтиёж қопланар?

Ҳозир ҳар йили 300 га яқин қорақалпоғистонлик ёшлар республикамиз тиббиёт олийгоҳларини битириб, ишга келишяпти. Аммо уларнинг кўпчилиги жанубий туманлардан, Мўйноқ, Бўзатов, Қораўзак, Қонликўл, Нукус туманларида эса шифокорларнинг етишмаслиги кескин сезиляпти. Масалан, Бўзатов тумани санитария-эпидемиология станциясида ўн олти ўринга биттагина мутахассис шифокор ишлаяпти, холос.

Соғлиқни сақлаш вазирлигида Мўйноққа тез-тез мутахассислар юбориб, аҳолини кўрикдан ўтказиб, даволашаётганини айтишди. Аммо бундай мутахассислар беморларни мунтазам қабул қиладиган қулоқ-томоқ-бурун касалликлари шифокори ўрнини боса олмайди-да. Балки, қўшимча ҳақ тўлаш, рағбатлантириш эвазига Мўйноққа энг керакли мутахассислар жалб этилар? Балки, бошқа йўли топилар...

Ҳар қалай бутун бошли бир туманда биттаям қулоқ дўхтири йўқлиги мутасадди раҳбарларни ташвишлантирмай қўймаса керак.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири,

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоятда эришилаётган тиббиёт соҳасидаги ютуқларни кейинги йиллардаги ўзгаришлар ва талабчанлик ошгани билан боғлаш лозим. Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўчма ҳайъати йиғилиши бевосита вилоятда ўтказилиб нуқсонлар ўз ўрнида кўрсатиб берилди.

Вилоятда атиги 965 ўринга эга бўлган 38 та қишлоқ шифохонаси борлиги —эътиборни қайси йўналишга қаратиш лозимлигини кўрсатиб турибди. Чунки ҳукуматимизнинг қишлоқ инфраструктурасини ўзгартириш борасидаги қарор ва кўрсатмаларида ҳам бу вазифа алоҳида белгиланган. Шу жиҳатдан, Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши туманларидаги қишлоқ тиббиёт муассасаларида шароит талаблар даражасида эмас, замонавий асбоб-ускуналар, инвентарлар етишмайди. Мавжуд фельдшер-акушерлик пунктларининг 70 фоизи телефон алоқаси билан таъминланмаган. Бу ўз навбатида тиббий хизмат даражасини кўтариш, аҳолига қулайлик яратишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Моддий таъминотдаги айрим қийинчиликларни ҳам айтмоқ лозим. Кейинги пайтда дори-дармон таъминотида ижобий ўзгаришлар бор. Аммо вилоят дори-дармон давлат акционерлик жамияти раиси ўринбосари Самад Ўзбековнинг айтишича, ҳозиргача 7 миллион 988 минг сўмлик дори-дармон пули тўланмабди. Бу дори-дармонларни келтиришни уюштиришда анча қийинчиликларни туғдирмоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси Бош муҳарририга

Ҳурматли Бош муҳаррир!

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сиз тақдим этган сермазмун материалларни атрофлича ўрганиб чиқиб ва таҳлил қилиб қуйидагиларни маълум қилади:

«Ўзбекистон овози» рўзномаси муҳарририяти раҳбарияти, муаллиф ва муҳаррирларининг шу кундаги халқ соғлиғини сақлашнинг муҳим муаммоларига ўз диққатларини қаратганликларини мамнуният билан таъкидлайди..

Мухбир Алишер Ибодиновнинг мақоласи бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

1. Вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ва фельдшер-акушерлик пунктларини қишлоқ врачлик пунктларига айлантириш жараёнлари қониқарсиз равишда лиги тўғри танқид остига олинган.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 21 июль 378-рақамли «Якка тартибдаги врачлик фаолияти (хусусий врачлик фаолияти) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг афзал томонлари мақолада яхши ёритилган.

2.1. Шунинг билан бирга кўпгина врачлар хусусий врачлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган бўлсаларда, уларнинг маълум бир қисми хусусий врачлик фаолияти билан шуғулланмай келаётганликларининг асосий сабаблари ҳам мақолада ёритилган.

Бу муҳим масалада ҳокимликлар, корхона ва хўжалик раҳбарлари, ишбилармонлар хусусий фаолият бошлаган врачларга ёрдам қўлини чўзишлари даркорлиги мақолада алоҳида кўрсатиб ўтилган.

3. Хулоса қилиб айтганда мазкур мақола соғлиқни сақлаш тизимида бозор муносабатларини ривожлантириш даврида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлашуви ва врачлик фаолиятида хусусий тадбиркорликни ривожланишига маълум миқдорда ўз ҳиссасини қўшади.

Мухбир Шарофат Йўлдошеванинг мақоласи бўйича қуйидагиларни маълум қиламиз:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги 404-рақамли қарорига асосан даволаш-профилактика муассасалари врачларига касалхоналарда дори-дармонлар бўлмаганда стационар даволанишда бўлган беморларга рецепт ёзиб беришга рухсат этилади. Бунда дори нақд пулга сотиб олинганлиги ҳақидаги маълумот касаллик тарихига ёзиб қўйилиши шартдир.

2. Қорақалпоғистон Республикасида ҳозирги кунда 3.900 врач фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳар 10 минг аҳолига 2.8 шифокор демакдир. Ушбу кўрсаткич Фарғона, Тошкент, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида 2,6 га тенг. Бинобарин Қорақалпоғистонда врачларнинг етишмаслиги эмас, аксинча мавжуд кадрларнинг нотўғри тақсимланиши ёки улардан маҳаллий ҳокимият ҳамда тиббиёт раҳбарларининг нотўғри фойдаланаётганликлари тўғрисида гапириш мумкин. Ушбу номутаносибликни йўқотиш мақсадида Республика ва Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазирлиги зудлик билан керакли ташкилий чора-тадбирларни кўрмоқда.

2.1. Бундан бир неча йил муқаддам Нукусда Тошкент педиатрия институтининг филиали ташкил этилган эди. Икки йил олдин филиал Нукус Давлат университетининг тиббиёт марказига айлантирилди. Асосан ушбу марказда Қорақалпоғистон Республикаси учун педиатр-врачлар тайёрланади. Жорий йилдан бошлаб маҳаллий кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида даволаш факультети ҳам ташкил этилиб, 50 нафар маҳаллий ёшлар қабул қилинди.

Мухбир Юнус Узоқовнинг мақоласи бўйича қуйидгиларни маълум қиламиз:

1. Қишлоқ инфраструктурасини ўзгартириш нуқтаи-назаридан қараганда Деҳқонобод, Чироқчи, Қамаши туманларидаги тиббиёт муассасаларида замонавий асбоб-ускуналар, инвентарлар етишмаслиги тўғри таъкидланган.

2. Ҳозирги пайтда дори-дармонлар билан таъминлаш ҳақиқатан ҳам мураккаб, чунки бу молиявий қийинчиликлар ҳамда дориларнинг қимматлиги ва танқислиги билан боғлиқ.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги газетада қишлоқ аҳолисини соғлигининг сақлашдек долзарб масалани ёритганлиги учун мухбирни қўллаб-қувватлайди.

Умуман хулоса қилиб айтганда, «Ўзбекистон овози» рўзномаси мухбирлари томонидан тайёрланган мақолалар соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини яхшилашга, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва масъул ходимларини тиббиёт муассасаларини моддий-техника ва бюджет маблағлари билан мустаҳкамлашга бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартиришга ёрдам бериши аниқ.

Шунинг билан бирга мақолаларда келтирилган баъзи бир фикр-мулоҳазалар конкрет фактлар билан келтирилмаганлиги туфайли юқорида кўрсатилган фактсиз ибораларни мақолалардан чиқазиб ташланиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Сизга ҳурмат билан,
Вазир Ш. КАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: ўқувчида тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши учун мухбирларимизнинг мақолалари билан бирга Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг Бош муҳаррир номига йўллаган жавоб хати ҳам айрим жузъий қисқартиришлар билан эълон қилинди.

Сиёсат сабоқлари

НОРАСМИЙ УЧРАШУВНИНГ РАСМИЙ НАТИЖАЛАРИ

Шу йил ноябрь ойининг дастлабки кунларида Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин ва Япония бош вазири Рютаро Хасиматонинг Красноярскда норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Красноярск ўлкаси маҳаллий маъмуриятининг шаҳардан ташқаридаги «Қарағай» дея номланган қароргоҳида меҳмонлар учун махсус ҳаммом ҳозирланди. «Қарағай» ёнида алоҳида вертолётларнинг қўниши ва парвоз олиши учун махсус жой ҳозирланди. Икки давлат раҳбари сибирчасига кўнгилхушлик қилиш — балиқ овлаш, Енисей бўйлаб сайр қилиш, Красноярск ГЭСини бориб кўриш имконига мушарраф бўлди. Бу эса қизғин ва тиғиз сиёсат ҳам, «бемалол оёқни узатиб» ҳордиқ чиқариш ҳам инсон табиатининг «содиқ» хусусиятларидан эканини кўрсатади. Хасимато учрашув муҳитига японча «тус» бағишлай олди — Ельцинга япон миллий ёғоч қиличи ва ўз фотосуратлари билан тартибланган альбом совға қилди. У 504 япон ҳарбий асири дафн этилган Красноярскдаги Николаев қабристонини ҳам зиёрат қилди.

Учрашув норасмий бўлса-да, унда бир қанча иқтисодий лойиҳалар ҳам муҳокама этилди. Транссибирь темир йўл магистралини янгилашда Япония ҳукумати кўмак беришга қарор қилганини бош вазир расман тасдиқлади. Бу эса учрашувдан кейин ўтган даврда Россия давлат маҳкамаларида қизиқиш уйғотди. Мазкур лойиҳа бўйича муайян ишларни бошлаш учун рус ҳамкорлар кун чиқар юртига отланмоқдалар.

Икки қўшни давлат раҳбари учрашиш учун Красноярскни тасодифан танлаганлари йўқ. Хасимато Россиянинг шарқий минтақалари, аввало Красноярск, Хабаровск, Приморск ўлкалари, Москва, Пермь, Свердловск, Иркутск вилоятлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишни ўз мамлакати учун самаралироқ, дея ҳисоблайди. Рютаро Хасимато ҳали мамлакат ташқи савдо ва саноат вазири вазифаларида ишлаган чоғларидаёқ шундай хулосага келган эди. Унинг бу борадаги режалари уч йўналишни — Россия саноати учун экспорт имкониятларини кенгайтириш, саноат секторини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш, саноат сиёсати воситаларини мукаммаллаштиришни ўз ичига қамраб олади. Шу йилнинг ўтган олти ойида Красноярскдан Японияга экспорт 98 миллион долларни, импорт эса 3 миллион долларни ташкил этди.

Красноярскка япон капитали ҳам кириб келмоқда. Бозори чаққон «Бирюс» музлатгичларини ишлаб чиқарувчи Красноярск заводи Россия Федерацияси ҳукумати берган кафолат билан Японияннинг «Эксимбанк»идан 97 миллион доллар кредит олди. Бу маблағ «муайян йўналтирилган» ҳисобланади ва маиший музлатгичлар учун компрессор ишлаб чиқарадиган завод қурилишига сарфланади. Тез кунда «Супершина» ҳиссадорлик жамияти ҳам 120 миллион долар миқдорида худди шундай йўналтирилган кредит олади. Бу маблағга оғир юк ташувчи автомобилларга шина ишлаб чиқариш корхонаси таъмирланади. Мазкур қурилиш ўз кўлами жиҳатидан янги завод бунёд этиш билан баробардир. Машҳур «Красфарма» ҳиссадорлик жамияти ҳам Япония томонининг ҳотамтойларча қўллаб-қувватлашидан баҳраманд бўлади. Корхонада икки янги йўналиш — полиамин (қон ўрнини босувчи модда) ва кўзга томизгичлар ишлаб чиқариш йўналишлари иш бошлаш арафасида.

Красноярскнинг ўзида олий даражадаги ушбу учрашувда яна шу жиҳатдан катта эътибор қаратилдики, Рютаро Хасимато ўз ватанига жўнаб кетиши билан Президент Борис Ельцин ва ўлка губернатори Валерий Зубов Россия Федерацияси ҳамда Таймир ва Эвенкий мухтор округларини ҳам ўз ичига олувчи Красноярск ўлкаси тасарруфи нималарни қамраб олиши тўғрисидаги шартномага имзо чекдилар.

Красноярск аҳолиси давлат даражасидаги мазкур учрашувга икки хил ёндошди. Айримлар навбатдаги «бошоғриқ» деса, баъзи бировлар унга юксак баҳо берди. Россия матбуоти хабарларига кўра, ўлка давлат автомобиль назорати хизмати аҳолига мурожаат этиб, учрашув кунларида шахсий автомашиналардан фойдаланмасликни маслаҳат берган. Чунки шу кунларда амалда бутун шаҳар кўчалари ёпиб қўйилди. Кузатувчиларнинг фикрича, президентлар шаҳарни тарк этгач, Красноярск кўчалари бурунгидан ҳам гавжум бўлиб кетгандек туюлар эмиш.

Салим АШУРОВ.

КОНСОРЦИУМ ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Франция, Испания, Австрия ва Норвегия компанияларидан иборат консорциум Ливиядаги нефть конини ўзлаштириш бўйича шартнома имзолади. Унга кўра, Ливия жанубидаги 23 минг квадрат километрлик майдонда нефть қазиб олинади ва қайта ишланади.

Мазкур халқаро бирлашманинг энг йирик иштирокчиси Испаниянинг «Репсол» гуруҳидир. «Репсол» умумий акцияларнинг 32 фоизига эгалик қилмоқда. Францияннинг «Тотал» ва Австриянинг «Оу-Эм-Ви» компаниялари 24 фоиздан, Норвегиянинг «Сага» фирмаси эса 20 фоиз акцияга эга.

ХИЛЛАРИ КЛИНТОН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

АҚШ Президентининг турмуш ўртоғи Хиллари Клинтон МДҲ мамлакатлари бўйлаб сафарга чиқмоқчи. Унинг бу сафари 9 ноябрь куни бошланиб, 17 ноябрь куни якунланади. Америка Президентининг аёли ўз сафарини Алмати шаҳридан бошлайди. Кейин эса Қирғизистон пойтахти Бишкекка йўл олади. Сафарнинг навбатдаги босқичи — Ўзбекистон. Хиллари Клинтон мамлакатимизнинг пойтахти Тошкент, қадимий ва навқирон шаҳарларимиз Самарқанд ва Бухорога сафар қилади. У Марказий Осиё бўйлаб сафарини якунлагач, 14 ноябрь куни Новосибирскка ва 15 ноябрда Екатеринбургга келади. Сўнг Украинанинг Львов шаҳрида ҳам бўлади.



Сайру томоша истар кўнгил.

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Инсон ҳуқуқлари ғояси даставвал ўрта табақалар билан боғлиқ бўлган. Юксак насл-насаб ва анъанавий имтиёзлар талабига замонавий Европанинг юзага чиқараётган буржуазия намоёндалари инсоннинг табиатан тенглиги ва дахлсиз табиий ҳуқуқларига асосланган сиёсий талабларни қарши қўйди. Бироқ мазкур буржуа сиёсий инқилоби жиддий чеклашларга эга эди. Мисол учун, табиий ҳуқуқларнинг ошкора универсализмига қарамай, Локк аслида ўз назариясини мулкдор европалик эркакларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш учун ишлаб чиққан эди. «Ваҳшийлар», хизматкорлар ва ёлланма ишчилар билан бир қаторда, жинсидан қатъи назар, аёлларнинг ҳам ҳуқуқлари тан олинмади.

Аммо, барчага мансуб тенг ва дахлсиз ҳуқуқлар тушунчаси ривож топиши билан уни исботлаш мазкур ҳуқуқлардан ўзгаларни маҳрум этаётганларнинг зиммасига тушади. Имтиёзларга даъво, мисол учун, ирқий устуворлик далиллари ёки касб қилинган бирор устувор фазилат билан асосланиши, имтиёз эса куч ёрдамида ҳимояланиши мумкин эди ва одатда шундай бўларди ҳам. Бироқ инсон ҳуқуқлари ғоясини қабул қилиш орқали устувор элиталар инсон ҳуқуқлари мантиқини четлаб ўтиши тобора қийинлаша борди.

Сўнгги икки аср мобайнида буюк сиёсий курашларнинг кўпи тан олинган инсон ҳуқуқларининг доирасини кенгайтириш учун содир бўлди. Овоз бериш ҳуқуқини мулкдор табақанинг тор доирасидан чиқаришга уринганлар XIX асрда аксарият Европа давлатларида кескин қарама-қаршиликларни юзага келтирди. Ишчиларнинг адолатли иш ҳақи, ўз-ўзларини ташкил этиш ҳуқуқи ва инсонга муносиб иш шароитларини таъминлаш борасидаги талаблари! Жаҳон урушига қадар Европанинг аксарият давлатларида кўпинча зулмкор сиёсий низолар келтирди. Америка Қўшма Штатларида эса бу ҳол янада кўпроқ муддатга чўзилди. Инсон ҳуқуқларини колониализмга хос бўлган мунтазам равишда рад этишга чек қўйиш 1950, 1960 ва 1970 йиллар давомида дунё миқёсидаги энг асосий масала бўлиб келди. Ирқи ва жинсига қараб фарқлашни бартараф этиш учун кураш кўп давлатларда сўнгги 30 йил мобайнида авжига чиқди.

Ҳуқуқлардан маҳрум этилган гуруҳлар барча вазиятларда уларга қонуний равишда эришиш учун ўзлари эга бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади. Мисол учун, бойлик ёки мулкчиликка асосланган фарқлашни бартараф этиш учун ишчилар сўз эркинлиги ва йиғилиш эркинлиги билан бир қаторда ўз овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар, шунингдек, ҳақиқий озодлик, тенглик ва ишчиларнинг (кейинчалик эса ишчи аёлларни ҳам) хавфсизлигини таъминлашга қодир янги ҳуқуқлар берилишини ҳам талаб этишди. Ирқий, этник ва диний озчилик вакиллари, аёллар ва колониал ҳукмронликдан жабр тортаётган халқлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида тўлиқ тан олинишлари ва жамият ҳаётида иштирок этишларини ҳам талаб этишди.

Улар келтирган далилларнинг моҳияти шундан иборат эдики, ҳар қандай вазиятда «биз ҳам, худди сиз каби инсонмиз... Шундай экан, биз ҳам сизга ўхшаб асосий ҳуқуқларга моликмиз ва давлат томонидан тенг ғамхўрлик ва ҳурматга сазовормиз». Бундай далилларни қабул қилиш радикал ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларга олиб келди.

Сўнгги ўн йил мобайнида инсон ҳуқуқлари борасидаги талабнинг инқилобий кучи ўта аниқ ифодаланади. Дунё узра инсон ҳуқуқлари атамаларини риёкорона ишлатиб келган режимлар бу ҳақда жиддий гаплашишга жазм этган фуқаролар раъйи билан алмашди. Совет империясининг қулаши натижасида коммунистик блок фуқаролари халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқларини мунтазам равишда рад этишга тобора қарши чиқа бошлади. Жанубий ва Марказий Америкадаги зулмкорона ҳарбий ҳукуматлар 1980 йиллар мобайнида қулади. Осиё ва Африкада қатор эркинликлар берилди ва жамиятни демократлаштириш жараёни анча нотекис бўлса-да, бироқ умуман олганда реал мақомга эришди. Айрим мамлакатларда (мисол учун, Жанубий Корея ва Жанубий Африкада) эса етарли даражада сезиларли кучга айланди.

Инсон ҳуқуқларининг ёйилиши на табиий ва на муқаррар ҳолдир. Орқага тисарилиш эҳтимоли бор бўлиб, кўпинчалик шундай бўлган ҳам. Дунёда сақланиб қолган репрессип диктатураларнинг умри узоқ бўлиши мумкин. Бироқ инсонлар қаерда бўлмасин ўзгартириш киритиш имконига эга бўлгач, улар халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқларини танлашини ўтмиш ўн йиллик сабоқлари кўрсатди. Биз шундай дунёда яшаймизки, жорий тажриба танқис бўлган жойда илгари ўз халқларини мазкур ўзгартириш имконидан маҳрум этишга қодир бўлиб кўринган ҳукуматлар талвасага тушади.

(Давоми бор).

(Давоми. Боши аввалги сонда)

ЧУЧХАЛАР ЙИЛНОМАСИ

Хорижликлар ҳаётидан

Чет эл оммавий ахборот воситаларида Шимолий Кореяда янги йилнома пайдо бўлганлиги ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Табиийки, бу кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Муштарийларимизда янги йилнома хусусида батафсилроқ тасаввур уйғотиш мақсадида Корея элчихонаси учинчи котиби Им Чхон Ирга мурожаат этдик.

— Корея янги йилномаси ҳақидаги фикр -мулоҳазаларингизни билмоқчийдик.

— Бизнинг давлатимиз олий раҳбарияти ва Корея меҳнат партиясининг марказий қўмитаси биргаликда шу йилдан бошлаб янги йилнома жорий қилишга қарор қилди. Бу календарь чучхалар йилномаси деб аталади. Унга шу йилнинг 9 сентябридан бошлаб расмий амал қилишга киришилди.

Сизга маълумки, халқимизнинг доҳийси Ким Ир Сен уч йил аввал вафот этган эди. Халқимиз ўз доҳийси номини ҳамон эъзозлаб, қалбининг тўрида сақламоқда. Ким Ир Сен биз-нинг миллий қаҳрамонимиз, чунки у давлат тузди, партия ва армия ташкил қилиб, ватанимизни ва халқимизни қулликдан озод қилди. Шу сабабли унинг бу хизматларини юқори эъзозлаб, келажак авлодга қолдириш мақсадида Чучхалар йилномасини жорий этдик. Доҳий туғилган кунни қуёш байрами деб эълон қилинди.

Чучхалар йилномасига 1912 йил асос қилиб олинган. Чунки шу йили доҳий Ким Ир Сен дунёга келган. 1997 йил Чучха йилномаси бўйича 86 йил ҳисобланади.

Халқаро алоқаларимизни ҳисобга олиб, ҳозирги кунда календардан ҳам фойдаланамиз. Бунинг учун аввал чучхалар санаси ёзилиб, кейин қавс ичида эса ҳозирги сана ёзилади.

— Маълумки, доҳий Ким Ир Сен вафотидан уч йил ошдики, негадир шу давр мобайнида партия бош котиби ва давлат раҳбарлигига сайловлар ўтказилмади?

— Халқ ўз миллий қаҳрамонини унутолмайди. Доҳий номини ҳамон қалбларда сақлаб келмоқда. Халқнинг бу кайфиятини бузмаслик ниятида партия ва давлат раҳбарлигига сайловлар ўтказилмади.

Масаланинг яна бир асосий томонини ҳам айтиш керак. Бизда мотам уч йил тутилади. Шу уч йил мобайнида севимли раҳбаримиз Ким Чен Ир халқимиз қўллаб-қувватлашига қарамай давлат ва партия раҳбарлигини олишга қарши бўлди. Маълумки, севимли йўлбошчимиз Ким Чен Ир қарийб ўттиз йилдан бери партия марказий қўмитасида ишлаш билан бирга, давлат ва армия раҳбарлигида ҳам қатнашади. Ундан бошқа партия ва давлат раҳбарини биз тасаввур қила олмаймиз. Биз бутун тақдиримизни доно йўлбошчимизга топширганмиз.

Суҳбатни Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ ёзиб олди.

ЧЕХИЯ НАТОГА АЪЗО БЎЛСА

Чехия НАТОга расман аъзо бўлиб киргач, бу ташкилот бош штаби бюджетига ҳар йили 20 миллион АҚШ доллари миқдорида бадал тўлайди. НАТОга интеграциялашув бўйича ҳукумат қўмитасининг йиғилишидан сўнг Чехия бош вазири Вацлав Клаус ана шундай баёнот берди. Шунингдек, В. Клаус-нинг таъкидлашича, даставвал Чехия армиясининг тезкор ҳаракат кучлари ҳам Шимолий Атлантика ҳарбий блоки қўмондонлигига ўтказилади.

Чехия бадали НАТО йиллик бюджетининг 0,9 фоизини ташкил қилади.

ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ АЙБЛАНМОҚДА

Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири Нарасимха Рао ва унинг тасарруфи остида ишлаган бир неча нафар давлат арбоби парламент аъзоларини сотиб олганликда айбланмоқда.

Маълумки, 1993 йилнинг июлида Ҳиндистоннинг олий қонун чиқарувчи органида ҳукуматга ишончсизлик вотуми овозга қўйилган эди. Айблов далилларига қараганда, Н. Рао ҳукумати тарафини тутган депутатлар озчиликни ташкил қилган ва шу боис 11 нафар парламент аъзосини ҳукумат ўзига оғдириб олган. Натижада норозилик вотуми қабул қилинмаган, Н. Рао ҳукумати эса 1996 йилнинг майига қадар мамлакатни бошқариб келган эди.

ҚЎШИҚЧИ КЕНГУРУ

Галати шов-шув

Доктор Дюлетт ва унинг ҳамкасблари Парум тропик ўрмонда экспедицияни давом эттираркан, тасодифан қандайдир ғайри-табиий ҳуштак товушини эшитиб қолишди. Доктор Дюлетт ўзидан 10—15 қадам наридаги «ҳуштакбозга» ҳайратланиб қаради. «Толиқибман шекилли, шундай туюлдимикан?». Йўқ, ҳамкасбларим эшитибди. Кузатиш бошлашса, кенгуру тумшуғини чўзиб лабларини чўччайтириб, яна ҳуштак чала бошлабди. Тўғри, ҳайвонлар ҳам ўзаро «гаплашади». Айтайлик, одатдаги кенгурулар, қўёнлар оёқларини ерга тап-тап уриб «гаплашади».

Охирги уч ҳафталик кузатувда экспедициячилар кенгурунинг ҳуштагини магнит тасмага ёзиб қайтишди. Махсус асбобда текширишса, товуш мусиқанинг узгинаси экан...

Хавфдан огоҳ этиш, егуликка чақириш, «ҳуштак»лар ҳам бир-бирига ўхшамасди.

Айниқса, кенгуру ўз жуфтини чақирганда росмана «қўшиқ» қўйларкан!

Ҳайвонот олами сир-синоатлари кўп. Фақат кишини ҳайратлантирадигани кенгурулар ҳам шодлик ҳиссини туюшар экан-да.

Қўшиқчи кенгуру «куйлайверсин». Олимлар уларнинг ҳар бир «қўшиғини» ҳам кашф этса, ажабмас.

Шов-шувлар кўп. Лекин бу галгиси жуда ғаройиб. Янги Гвинея ўрмонларида ҳали фанга маълум бўлмаган кенгурулар авлоди яшаши аниқланди.

Қўшиқчи кенгуру! Балки бу бироз ҳайратомуз туюлар. Лекин француз зоолог олим, доктор Клод Дюллетнинг таъкидлашича, кенгуру ҳуштак чалар, товуши қандайдир мусиқага ўхшаркан.

Олимларнинг фикрича, бу кенгурулар сўнгги ўн йил ичида пайдо бўлишган. Қайсидир кенгуру авлодининг мутациясида эволюция-ўзгаришлар рўй бергандир.

ШАМОЛ ТЕГИРМОНИ

Ўйлаб кўринг

Бу кашфиёт замирида қанчалар ҳақиқат бор, буни вақт кўрсатади. Аммо голландиялик олимлар шамол тегирмонлар рак касаллигининг келиб чиқишида қандайдир боғлиқлик бор, деган фаразларни айтишди. Махсус мутахассислар узоқ кузатиш ва илмий асослардан кейин ҳам шу фикрни тасдиқлашди.

Амстердамдаги Рак касаллиги муаммолари бўйича илмий-текшириш институтида олиб борилган сўнгги тажрибалар натижасига кўра, шамол тегирмонига яқин жойда яшайдиган болалар орасида бошқаларга нисбатан мия ракига учраш ҳолати икки марта ортиқдир.

Олимлар ҳозирча бу кутилмаган ходиса сабабини аниқлай олишгани йўқ. Лекин шамол тегирмон кам учрайдиган мия раки, лейкеми хасталигига сабаб булишини тасдиқлашяпти.

МУЗОКАРАЛАР БОШЛАНДИ

Вашингтонда АҚШ воситачилигида Исроил—Фаластин музокаралари бошланди. Музокаларда Исроил делегациясига ушбу мамлакат ташқи ишлар вазири Давид Леви, Фаластин делегациясига эса Ёсир Арафотнинг энг яқин сиёсий маслаҳатчиларидан бири — Маҳмуд Аббос раҳбарлик қилмоқда.

Вашингтондаги музокаралар томонларнинг кескин норозилиги ва келишмовчиликлар билан бошланди. Аввалига АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Яқин Шарқ масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи Деннис Росс ҳар икки делегация раҳбарлари билан алоҳида учрашиб, музокаралар кун тартиби хусусида фикрлашди. Шундан сўнг, гарчи ушбу масала бўйича томонларнинг тўлиқ келишувига эришилган бўлмаса-да, музокараларни бошлашга қарор қилинди.

Айни чоғда, Фаластин делегацияси биринчи ўринда Исроил ишғол қилган ерларни тарк этиши ва бу ҳудудлар назорати Фаластин мухториятига топширилиши масалалари кўрилишини талаб қилмоқда. Исроил томони эса, Фаластин маъмурияти террорчиликка қарши жиддий кураш бошламас ва шу йўл билан хавфсизлик кафолатларини бермас экан, ҳеч қандай музокараларга ўрин йўқлигини таъкидламоқда.

ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

Германия ташқи ишлар вазири Клаус Кинкел Ироқ ҳукуматини БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси билан ҳамкорлик қилишга даъват қилди.

Маълумки, 1991 йилдан буён БМТнинг мазкур комиссияси Ироқ ҳудудидаги оммавий қирғин қуролларини топиш ва зарарсизлантириш билан шуғулланиб келади. Бироқ, комиссия аъзолари мамлакатда бундай қуроллар бутунлай йўқотилганига ҳали ҳам шубҳа билдираётгани туфайли, Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайн Ирокда БМТ вакилларининг фаолият кўрсатишига қаршилик қилди. Яъни, комиссия аъзоларини жосуслик ва нотўғри маълумотлар тарқатишда айблаб, уларга мамлакатга кириш визасини бермасликка қарор қилди.

К. Кинкелнинг фикрича, Саддам Ҳусайн ўз фикридан қайтмас экан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг Ироққа тааллуқли резолюциясини ўзгартириши мумкин. Мазкур резолюция Ироқ ҳукуматига озиқ-овқат сотиб олиш учун маълум миқдорда нефть сотиш ҳуқуқини беради.

Тошкент Талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва ЎзХДП ҳудудий кенгаши Тошкент маданият техникуми директори

Абдулҳаким Турдиевич АҲМЕТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.

O‘ZBEKISTON OVOZI

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 6 noyabr, payshanba № 130 (22.213).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Қатағонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматда, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

1

Ўзбек адибларининг янги асарлари

МИРМУҲСИН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ФАЛАКНИНГ ГАРДИШИ

(РОМАНДАН ПАРЧА)

Мирмуҳсин домланинг шу номдаги янги романи мустақиллигимиз йўлидаги кураш жараёнига, озодликка етишдаги асрий жанглар, Ўзбекистонимиз жаҳонга юз тутаётгани, ёш қалблардаги чин муҳаббатга, дўсту биродарлик камолига бағишлангандир. Асарда мардлик, инсонийлик улуғланади, тубанлик, мансабпарастлик иллатлари кескин қораланади.

Қуйида шу романдан парча ўқийсиз.

Юрак сўзлайди... Ҳа, юракнинг ҳам тили бор. Лекин кўп вақт унинг сўзларини юқоридаги ақл тинглайди. Юрак нидосини тинглаган заковатли инсонлар қандай олийжаноб инсонлардир! Ёнган қалб оҳини тушунмаганларидан сўнг уни кул босади. Баъзан гўзал ҳусну жамолга маҳлиё бўладилару, юрак унутилади. Шу азамат ишчи-юрак ўз болғасини урмас экан ҳаёт йўқ, нечун унинг нидосига эътибор бермас эканлар? Қалб сийна ичра ёлғиз қолар экан, у сиқилади, азоб чекади. Баъзан қаро кўзлар йилтироқликларга боқадилару эрталабдан кечгача, кечдан тонггача терлаб, тинимсиз ҳаёт болғасини уриб чиқадиган забардаст ишчи-юракка қарамайдилар... Во ажаб!..

Бу мулоҳазалар Нажотни қаттиқ ўйлантирди.

Бу-ку ҳолва, инсоннинг икки чиройли кўзи ҳам баъзан бири-бирини кўролмай пайини қирқармиш, ҳасад алангасида оға-ини ҳам бир-бирини юлиб ташлашга чоғланармиш...

Э. Тангрим, ёлғиз ўзингга сиғинаман, миллатимиз дилига меҳру оқибат сол, улар дилидан ҳасадни қуйдир, ўзбек-заҳматкаш халқимни ёмон кўзлардан асра, бир Ватан, бир дин, бир тилу аҳиллик ила мустақил давлат бўлган кунларга етказдинг. Қувғинди руҳ — ёвуз Иблис ноиноқликлар бўлган жойда ҳозиру нозир, ўзбекнинг оғаинилигига путур етказиб, ноинсоф кимсалар орасида ҳузур қилиб юрармиш...

Бу фикрлар ҳам Нажот хаёлидан ўтди.

Шону шуҳрат бор ерда ҳасад бор; лекин унинг на шону шуҳрати бор, ва на ҳусну жамоли. Кўплар жамолини кўра оладиган чиройли қора кўзлар нега уни кўрмас экан!

Ҳа, киши баъзан жуда зарур гапларни айтиб

2

юборади. Баъзан иккинчи бир одамдаги нуқсонларни ҳам кўради, яхшиликка ундайди. Аммо Нажот ҳеч қачон ўзини хунук деб билмаган, унинг чўтирлиги мутлақо ўзига билинмасди, ҳар кимнинг кўнглида бир даста гавҳар, «юзингга тариқ сепса биттаси ҳам ерга тушмайди...» деб камситган баъзи ошноларининг ҳазили ҳам ботиб кетмаган. «Чўтир бўлса ҳам, қутир бўлса ҳам мард эркак бўлсин, чиройли бўлиб, йигитлар ишини қилмайдиганлардан худо асрасин!» деган бир шаддод аёлнинг сўзи ҳам қулоғи остида турарди.

Ҳа, йигит ҳусни юрагида! Юракнинг гўзал бўлмоғи ҳамма фазилатлардан юксакдир.

Шаҳримиз узра оқшом салқини чўкди, минг-минглаб чироқлар пойтахтимизни бир буюк чаманга айлантирди. Кўчалар обод, ҳаракат кучли — барчада бир шошилинч аломати собит. Ҳатто ер остида гувуллаб югураётган метронинг мармар зинапояларидан кўтарилаётган кишиларда ҳам бир шошилинч бор, бир дақиқани бекор ўтказмаслик ниятида одамлар илдам қадам ташлайдилар. Инсонлар нега шошиларкин? Қаёққа шошиламиз, деб хитоб қилгим келади. Бир ҳисобда бунинг нимаси ёмон? Умр ўлчоғлик, вақтни беҳудага совурмоқ ақллилик белгиси эмас!

Шундай аснода иттифоқ троллейбуслардан бирида жанжал кўтарилди. Кайфи ошган икки кимса сумкаларини тиззага қўйиб, чақнаб, кулгилари жаранглаб суҳбатлашиб кетаётган икки дугонага шилқимлик қилаётган эдилар. Қизларқизларни фоҳишага ўхшатиб, уларга қилинаётган қилиқларга инсон зоти чидаб туролмасди!

Юз эллик йил мобайнида рус шовинизми чангалида ҳақоратланган, камситилган ўзбекнинг фарзандлари энди қутириб кетдими? Ёки асли ўзи шундай ахмоқми-ди? Бу кўзинг бу кўзингни ўяман дейди. Ювиндига семирган бундай бойваччалар ҳаддидан ошиб кетди!

Бу машмашани орқароқдан кузатиб турган, бўйдор бир чўтир йигит ўрнидан туриб, икки шилқим бойвачча ёнига келди. Бу йигитнинг бошида шляпа, бўйнида галстук, қўлида семизгина портфель, икки йигитга паст овозда мурожаат этди:

— Қўйинглар, қизларни хафа қилманглар! Уят бўлади! Шилқимлик мард йигитнинг иши эмас!

— Сен кимсан? — деди ғилай йигит.

— Бунинг аҳамияти йўқ.

— Милиционермисан? — иккинчи барзанги дўқ урди.

— Йўқ.

— Ҳеббиммисан? Бор жойингга ўтир! Чўтир! Бўлмаса бўйнингдаги латтанг билан бўғиб ташлайман!

— «Ҳеббим...» сўзи Нажотнинг нарёг-берёгидан ўтиб кетди: у семиз, давангир йигитнинг даҳанига шундай зарб билан мушт урдики, шилқим юриб кетаётган троллейбусда ўтириб қолди. Олатўполон бошланажагини сезган ҳайдовчи бекатга етмасданоқ троллейбусни тўхтатди. Ерда ўтириб қолган йигит ўрнидан туриб, галстук таққан олифта чўтирни бўғиб, тортиб пастга олиб тушишди. Нажот атайи улар билан бошлашиб пастга тушди. Йўл четида, асфальт майдончада шунақанги чиройли «бокс» бошланиб кетдики, ҳайдовчи ҳам троллейбусни тезда олиб қочмай ойнадан томоша қиларди. Эҳтимол, у бironта милиционер келиб, безориларни олиб кетар деган хаёлда тургандир.

нинг бири яхши кийинган бўлса ҳам бурни пучуқроқ, унча диққатни тортмасди. Иккинчиси оддийроқ кийинган, ниҳоятда келишган чарос кўзлари, қалам қошлари, дудоқлари киши диққатини ўзига жалб этарди. Ҳар қалай бу икки қиз талабалардан эканлиги шундоқ сезилиб турарди.

Гапларининг оҳангидан «да»ни ўрнига «га» ишлатишидан уларнинг бири Самарқанд — Бухоро томонлардан бўлиши мумкин. Шу қизга кўзи тушиб, оҳангрободек тортилиб, унинг тепасига келган ўша ғилай йигит атайин ўзини бепарво, бошқаларни кўрмаётганликка солаётган қизга гап отди. Қиз эшитмагандай, жавоб қилмади. Пинагини бузмай дугонаси билан гаплашаверди. Ёнидаги пучуқ қиз бўлса бу йигитлар менга гап ташлашаяпти хаёл қилиб, уларга тикилди ва ўзини тутолмай жавоб қилди:

— Сизга нима керак?

Аммо кайфи ошган ғилай бойваччанамо йигит шалпанқулоқ ов итидек кўзини қизлардан узмай қотиб турарди. Қизлар ноқулай аҳволга тушиб қолдилар. Ўринларидан турибоқ олдинга ўтмоқчи бўлдилар. Девқомат икки йигит улар йўлини тўсди. Бунга ҳам қаноат қилмай, шилқим йигит гўзал қизнинг сочларини силамоқчи бўларди. «Мен билан гаплашинг...» ишорасини қилиб, қизнинг елкасига қўл текказди: «Исмингиз нима яхши қиз? Келинг, танишайлик!... Менга ёқиб қолдингиз... Марҳамат қилиб, адресингизни айтинг... Биздан ёмонлик кўрмайсиз, нима истасангиз ҳаммасини бажаришга қодирмиз... Мерседесимиз бор. Сизларни кўриб қолиб, бу аравага югуриб чиқдик...»

Унинг оғзидан ароқнинг қўланса бўйи анқиб турарди. Қизлар унга боқишмас, ғужанак бўлиб, олдинда, орқада ўтирган кишиларга қараб қўйишди. Улар негадир бу шилқимларни тартибга чақирмаётганликларига ҳайрон бўлишарди. Наҳотки пойтахтимиз аҳли безориликка бепарво бўлиб қолди? Наҳотки, инсофли, диёнатли бир йигит топилмаса!?

«Ўзбек ўзбекни таҳқирлай берадими? Ишратпарастлар пойтахтда авж олиб кетганга ўхшайди!!!» Ёки «биз ўзбеклар ўзганинг ёмон одатларини ўргандикми?»... Шунга ўхшаш чигал ва ғалати фикрлар қиз хаёлини чулғай бошлаган бўлса керак, барибир у бундай сўзларни тилига чиқармади, аммо ичдан эзилиб ўтираверди.

Шилқим йигит яна қизлар елкасига қўл ташлаган эди, улар ўрниларидан туриб кетмоқчи бўлдилар. Лекин икки сўқим бунга йўл қўймай елкаларидан босиб, жойларига ўтқазиб қўйишди: «Қадримиз шунчалик бўладими, оппоқ қизлар! Гаплашгингиз келмаяпти, чоғи, биздан аъло кимсани тополмайсиз! Билиб қўйинглар! Ёшлик гаштини суриб қолиш керак, чўнтагимиз тўла пул, доллар... Юринглар ресторанга кирамиз!... Кечани хурсандчилик билан ўтказамиз. Тилло узук, тилло исирга тухфа этамиз... (У ёнидан қутича чиқарди) Ётоқхонада зерикиб ўтираверасизларми?»

Бу гапни эшитган икки қиз бир-бирига қарашди: «Булар бизнинг ётоқхонада туришимизни қаёқдан билди эканлар?» деб ўйлашди чамаси. Қизлар бетоқат асабийлашиб, ранглари оқарди, ҳатто ҳозироқ атрофдагиларга мурожаат этиб, ёрдамга чақирмоқчи бўлишди. Югуриб кетаётган троллейбусдан сакраб тушиб, юмалаб кетишга ҳам тайёр эдилар...

Троллейбус деярлик бўш, атрофдаги беш-олтита кимса миқ этмас, жойларида қотиб қолишган. Иккинчи шилқим қўлида шақиллаб очиладиган пичоқни ўйнаб келаётгани эса ўтирганларни ўз жойларига михлаб қўйган эди.

— Қўйинглар, болаларим, улар ота-оналари ёнига эсон-омон етиб олишсин... Хавотир олиб ўтирган бўлсалар керак, — деди олдинда ўтирган бир кекса одам.

— Отахон, марҳамат қилиб жим ўтиринг! — деди ғилай йигит — биз маданий кишилармиз, маданий кишилардек гаплашаяпмиз, безовта бўлманг!

Тиғга кўзи тушган фахрий чол ўз ерида қотди. Унинг чап кўксидаги ленталардан иккинчи жаҳон уруши ҳамда меҳнат фахрийси экани маълум эди. Лекин шунга қарамасдан у яна такроран деди:

— Қўйинглар, болаларим! Яхши эмас, хафа қилманглар.

Лекин улар чолга ҳам эътибор бермай, икки қизни қучоқлари билан ўраб олишиб, тегажоқлик қилавердилар. Шу пайтда деярли бўш кетаётган троллейбусда бир милиционернинг бўлмагани юракни сиқарди. Уларда на одобу номус, ва на ахлоқ борлигини билган, оғзиларидан боди кириб, шоди чиқаётганини, пул қутиртирганини пайқаб ўтирган яна уч-тўрт кишининг ҳам тоқати тоқ бўлиб ўтирарди. Тоғни урса талқон қиладиган бу йигитлар ичиб олиб, ҳақиқатан ҳам чўчқага айланган эдилар. Мана, биз ўзбекларнинг аҳволимиз! Бечора талаба

3

4

"ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ" ҳиссадорлик жамияти





Ўзининг фирма дўкони орқали кенг турдаги мебель жиҳозлари:

— ётоқхона учун мебеллар тўплами;
— кўп мақсадда ишлатиладиган идиш-товоқлар жавони;
— юмшоқ мебеллар тўплами;
— офис мебеллари;
— кийим-кечак шкафлари;
— кроват, тўшак ва банкеткаларни нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ.

Жиҳозлар 10 фоиз арзонлаштирилган нархда сотилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Магазин Мавзук кўчаси, 245-уй, 43-автобуснинг охирги бекати. Телефонлар: 48-68-89, 48-37-50.

ЯНГИ ЛИЦЕЙ

Республикамизда рассомчилик ва амалий санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муносабат билан Нукус шаҳрида янги рассомчилик ва амалий санъат лицейи очилди. Лицейга 80 нафар ўқувчи қабул қилинди. Лицей тажрибали, ўз касбини моҳирона эгаллаган мутахассис кадрлар билан таъминланган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Прогресс Ассоциация "ПРОГРЕСС" реализует

ПАРКЕТ (штучно: буковый, ясеневый, дубовый),

изготовленный на итальянской линии, упакован в полиэтилен. Евростандарт.

Погонажные изделия: рейки, нашельники, плинтуса, наличники и мн.др.

Фирма оплаты любая

Цены на 30% ниже рыночных!

Тел.: (371) 133-40-74, 133-54-27
Адрес: г.Ташкент, ул.Нийзбек йули, 24 (бывшая Урицкого).

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «М. Атиргул» хусусий корхонасининг учбурчакли штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ФУТБОЛ

СЎНГГИ УМИД ҲАМ ПУЧГА ЧИКДИ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси сўнгги учрашувни Бирлашган Араб Амирликлари майдонида ўтказди. Кескин курашлар остида ўтган бу ўйинда ҳисоб очилмади. Абу-Даби шаҳридаги ўйинда айниқса, ҳимоячиларимиз маҳорат кўрсатишди. Дарвозабонимиз Павел Бугало бехато ҳаракат қилди. Миржалол Қосимов, Игорь Шквирин ва Абдуқаҳҳор Маъруфалиевлар рақиб дарбозасига кетма-кет хужумлар уюштиришди. Ушбу учрашувдан сўнг терма командамиз Францияга йўлланма олиш ҳуқуқидан бутунлай маҳрум бўлди. Ҳозирча ушбу гуруҳда Корея Республикаси футболчилари йўлланмани нақд қилиб қўйишган. Гуруҳдаги иккинчи ўрин учун эса Япония ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари даъвогарлик қилишмоқда.

Сўнгги учрашувда японияликлар қозоғистонликларни қабул қилишса, Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари кореяликларни қабул қилишади.

Тошкентда-биринчи!

Болалар ва бўлажак оналар учун ихтисослашган инглиз маҳсулотлари магазини

mothercare

Хуш келибсиз!

12 ноябрда очилади!

М. Ганди кўчаси, 34 (собиқ Свердлов кўчаси)

Тел.: (371) 132-14-46, 132-14-47

GLOBAL TRADING COMPANY

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ

Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини,
Телефон: (3712) 133-40-07, 132-14-25, 132-14-34.